O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 10 ИЮЛ, сешанба
№ 28 (232)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади



**Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак!**

Ислом КАРИМОВ

*Энг азиз, энг улуғ байрамимизга 52 кун қолди.*








**МАМЛАКАТИМИЗДА** Франция Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси директори ўринбосари Доминик Арбеле бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди.

**АНДИЖОНДАГИ** олимпия ўринбосарлари республика билим юрти тарбияланувчиларидан тузилган чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон терма жамоаси, ёшлар ўртасида Малайзияда ўтказилган Осиё кубогининг кумуш медали соҳиблари бўлишди.

**ЖАЛОЛҚУДУҚ** туманида "Ҳамкорбанк"нинг янги филиали ишга тушди. Янги бўлим қурилиши ва жиҳозланишига 50 миллион сўм сарфланди.

**МАМЛАКАТИМИЗДА** Германия техник ҳамкорлик жамияти томонидан **"Экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш"** лойиҳаси доирасида ташкил этилган либослар дизайнерлари танлови якунланди. Энг яхши деб топилган саккиз нафар дизайнер Германияга жўнаб кетади.

**АҚШнинг** Феникс шаҳрида фахрийлар ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Ушбу чемпионатда иштирок этган ўзбекистонлик Фарод Оҳаев чемпион унвонига сазовор бўлди.

**ЎТГАН** ҳафтада малакатимиз олий ўқув юртларининг магистратура босқичини муваффақиятли тугаллаган ёшларга тантанали равишда диплом топшириш маросими топширилди.

**ТОШКЕНТДАН** Нью-Йоркка йўл олган "Боинг-757" самолёти 3 июль куни Бирмингем (Буюк Британия) аэропортига қўнди. Шу билан Тошкент- Бирмингем-Нью-Йорк янги йўналиши бўйича доимий қатнов йўлга қўйилди.

**НАМАНГАН** муҳандислик институти профессор-ўқитувчилари янги педагогик технология "Мулти-медиа" ташкил этишди. Марказга еттита компьютер ўрнатилди.

**МОСКВА** шаҳрида Пушкин номидаги Рус тили давлат институтида навбатдаги 10-халқаро олимпиада ўтказилди. Унда 41 давлатдан 260 нафар ўқувчи иштирок этди. Олимпиадада мамлакатимиздан 4 нафар ўқувчи олтин ва бир нафар ўқувчимиз бронза медали соҳиби бўлиб қайтишди.

*Қонун ва ижро*

## ДЕПАРТАМЕНТ – СУДЛАР ТАЯНЧИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини тўла таъминлаш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди. Биргина "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирининг қабул қилиниши ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлган эди.**

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартида қабул қилинган "Судлар фаолияти таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам судьяларнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, судьялар дахлсизлигини ҳимоялаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, суд ҳокимияти тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган.**

**Мазкур қарорга асосан Адлия вазирлиги ҳузурида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари ташкил этилди.**

***Шундай қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг талабларини амалга жорий этиш борасида янги бир қадам қўйилди. Хўш, бу жараён қандай кечмоқда? Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти директорининг ўринбосари Анвар УСМОНОВ шу мавзуда мулоҳаза юритади.***

Департаментнинг ташкил этилиши ҳаётий заруратнинг тақозосидир дейиш мумкин. Унинг ташкил этилиши муносабати билан суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш йўлида яна бир янги имконият юзага келди. Аввало, Департаментнинг ваколатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Ҳукумат қарорига асосан Департаментимиз зиммасига:

судларни ташкил этиш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳокамасига киритиш;

тегишли Судьялар малака ҳайъатлари тавсияномалари асосида кадрларни танлаш ва судья лавозимларига тавсия этиш масалаларини ҳал этиш учун зарур материаллар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш, Комиссия топшириғига биноан судларни ташкилий, моддий-техника жиҳатидан таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни бажариш;

қабул қилинган суд қарорлари, шунингдек, бошқа органлар қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш, суд ижрочиси, суд мажлиси котиби кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш;

суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга ошириш,

судларни моддий-техника, молиявий жиҳатидан ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил этиш;

халқ маслаҳатчилари сайловларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

Судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш каби вазифалар юклатилган.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, Департаментнинг судьяларни лавозимга тавсия этиш учун номзодлар заҳирасини шакллантириш ва уларни танлаш жараёнидаги иштироки қандай бўлади?

Низомда кўзда тутилганидек, судьяларнинг кадрлар заҳирасини шакллантириш, шахсларни судьялар лавозимига тавсия этиш билан боғлиқ барча материалларни дастлабки (биринчи босқич) кўриб чиқиш бевосита судьялар малака ҳайъати томонидан амалга оширилади. Судьялар малака ҳайъати Департаментимизнинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда номзодлар танлайдилар, малака имтиҳонлари ўтказадилар.

Ҳудудий бўлимларимиз эса судьялар малака ҳайъатлари таклифларини умумлаштирадилар, ўрганадилар ҳамда ҳар бир номзод бўйича ўз хулосалари ва материалларни Департаментга юборадилар. Департамент судьялар малака ҳайъатларининг таклифлари ва тавсияларини тўплаб, уларнинг бундан кейинги ўрганилишини ташкил этади, номзодларнинг статистика ва шахсий ҳисоботларини юритади. Айни пайтда судьяликка номзодларнинг заҳиралари ташкил этилди. Судьялар лавозимига номзодларнинг статистика ва шахсий ҳисоботини юритиш йўлга қўйилиб, судья лавозимига кадрларни танлаш ва тавсия этиш масалаларини ҳал этиш учун зарур материаллар тайёрланмоқда ва уларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьялар лавозимига танлаш ва тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига юборилмоқда.

Департамент ишини ташкиллаштириш ва унинг олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун 2001 йилга мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда ушбу режанинг ижросини таъминлашга киришилди.

Жумладан, департамент аппарати ходимларининг функционал вазифалари ҳамда ҳужжатлар, хатлар ва аризалар билан ишлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Судьяларнинг малака ҳайъатлари, суд ходимларининг мансаб даражалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда қабул қилинганлиги сабабли вилоят судларида ушбу низомга мувофиқ судьялар конференцияларида судьялар малака ҳайъатлари сайланиши ташкил этилди ва бу жараён тўлиқ тугалланди. Яқинда суд ҳисоботларининг янги шакллари тайёрланиб, шу мавзу юзасидан ҳудудий бўлимларнинг тегишли ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги билан биргаликда "Судьяларнинг ҳамда суд процесслари қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби" қабул қилиниб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди.

Судлар фаолияти ўрганилиб, судларни тоифалаштириш масаласида судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш юкламаларини, суд ижрочилари ва суд мажлиси котибларининг иш юкламалари ҳамда улар фаолиятини такомиллаштириш учун бажарилаётган ишлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда "Судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш юкламалари иш ҳажмини тахминан ҳисоблаш тартиби" лойиҳасини ишлаб чиқиб, бу борада тегишли таклифлар киритилди.

Судьялар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва млиявий таъминлаш ишларини такомиллаштириш борасида Департамент ўз фаолиятини янада кучайтиради.

## АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Халқаро жараёнда қандай воқеалар рўй беряпти? Минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида қандай ўзгаришлар юз берди?

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулотида ана шу мавзуда фикр-мулоҳаза юритилди. Унда сўнгги бир ярим ой ичида дунёда содир бўлган энг муҳим воқеалар тилга олинди. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов томонидан МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг Минск учрашуви, ГУУАМ аъзолари Кенгаши ва Шанхай форумида кўрилган масалаларда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг юксак халқаро аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Семинарни сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков олиб борди.

## МАНСАБДОР ҚОНУННИ БУЗСА...

Адлия вазирлиги асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган уч юз нафардан зиёд тадбиркорни тўлиқ оқлади.

Масалан, тадбиркор Д.Феденко Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармаси катта терговчиси А.Чуруков ва солиқ инспекцияси ходими М. Мирзамаҳмудовнинг айби туфайли Жиноят кодексининг 189-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган, — деди Адлия вазирлиги бўлим мудири Абдураҳмон Сафоев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг даъво аризасига кўра, Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарори билан мазкур шахслар томонидан тадбиркорга етказилган 69 минг сўм моддий, юз минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

А. Сафоевнинг таъкидлашича, асосий эътибор тадбиркорларга етказилган моддий, маънавий зарарларни ҳамда бой берилган фойда суммаларини бевосита айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундиришга қаратиляпти. Республика бўйича жорий йилнинг олти ойи давомида 181 нафар мансабдордан 52 миллион 394 минг сўм моддий, маънавий ҳамда бой берилган фойда ундирилди. Эндиликда ноқонуний хатти-ҳаракати учун хўжалик ва корхона раҳбарларининг 113 нафари 47 миллион 531 минг 851 сўмни, назорат қилувчи органларда ишловчи 38 нафар мансабдор шахс икки миллион 372 минг 873 сўмни, солиқ идоралари ходимларининг 30 нафари икки миллион 483 минг сўмни ўз чўнтакларидан тўлашларига тўғри келди.

**"Туркистон-пресс"**

*Муносабат*

## ТАБИБ ТАБИБ ЭМАС, БОШИДАН ЎТКАЗГАН ТАБИБ

Яккабоғлик фермер Моҳира Эшқобилованинг "Мен қандай қилиб фермер бўлдим" деб номланган мақоласини (26 июн сони) ўқиб ниҳоятда таъсирландим. Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган иллатлар биргина бизнинг туманимизда борми десам, қўшни Яккабоғда ҳам етарли экан. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб деганларидек, Моҳира опа кўрган қийинчиликларни бошидан ўтказган киши тушунади ва ҳис қилади. Агар айтганларингиз ҳаммаси юз фоиз тасдиқланадиган бўлса, ироданингизга балли, опа! Сизнинг арзи ҳолингизни ўқиб, мениям ўпкам тўлиб кетди. Нега, деб сўрасангиз, мен ҳам ўзимча фермерлик бахтига муяссар бўлиш учун интилиб ётганлардан бириман.

Чироқчидан 45 км. узоқликдаги тоғли Лангар қишлоғида яшайман. Бизда тоғ ён бағриларида қўй-қўзи, парранда боқиш учун имконият катта. Бундан ташқари Чироқчининг тоғли қишлоқларида ишсизлик муаммоси ҳам йўқ эмас. Оиламизда олти йигитнинг тўрттаси уйланган. Бола-чақали. Шуларни иш билан таъминлашни ўйлаб, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этишга киришдим. Ўтган йилнинг бошларида хўжаликка ("Қалқама" кооператив ширкат хўжалигига) ер ажратиш ҳақида ариза ёздим. Хўжалик 58 гектар яйлов учун тоғ-тош орасидан, 2 гектар ҳайдаладиган ер ажратиш ҳақида қарор чиқарди. Чунки бизда суғориладиган ер майдони йўқ ҳисоби. Ўша берилган икки гектар ер майдони ҳам чет жойда, мол-ҳолнинг оёқ остида бўлганлиги учун ғалла эколмадим. Шу йил баҳорнинг адоғида 3-4 капа пичан ўриб олдим, холос. Ҳужжатларни тўғрилаш, имзо тўплаш билан овораю сарсон бўлиб ўтган йилнинг ноябр ойида зўр-базўр туман ҳокимининг қарорини чиқартирдим.

Мен қатори елиб-югуриб ҳужжат тўплаганлар меҳнатига куйиб қолаверди. Сабаби, туманда раҳбар алмашгач, янги ҳоким уларнинг бирортасини ҳам ҳужжатини ўтказмабди. Улар нима гап, деб сўрашса, энди Чироқчида фермер тузилмас эмиш, деган жавобни олишибди. Мен эса ўзимча қувониб, шу йил бошидан қарорда алоҳида банд қилиб кўрсатилган Чироқчи "Тадбиркорбанк"ига 2 миллион сўм кредит сўраб мурожаат қилдим. Улар 2 миллион эмас, 1 миллион берамиз, дейишди.

— Шунисига ҳам шукр, — дея кўндим.

Ҳамма ҳужжатларни тўғирлаб, банк билан "Ипотека" шартномаси тузганимга ҳам қарийб уч ойдан ошаяптики, 200 минг сўм ем олиш учун Яккабоғ дон маҳсулотлари корхонасига ўтказиб берилган пулдан ташқари бир сўм ҳам олганим йўқ. Ҳар кун бўзчининг мокисидай банкка қатнайман. Ҳозирча эрта келинг, индин келингдан бошқа гап эшитганим йўқ. Шундай пайтда азбаройи ҳаммаси жонга тегиб, юрагимдаги қизиқиш ва иштиёқ ўти сўниб қолгандек бўлади. Ҳамма нарсадан воз кечгим келади. Бироқ бола-чақамнинг ризқини қийиб, ўз вақтида 100 минг сўмга яқин сарфлаган маблағим ҳамда овораюсарсонгарчилигимни ўйлайман. Тўғрисини айтганда, ҳаётдаги бошқа бир хол одамнинг кўнглига оғир ботади. Бугун ҳаётимизда тадбиркорлик фаолияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳам яратилган. Лекин оёғи остидан нарини кўра олмайдиган айрим маҳаллий раҳбарлар мана шундай эзгу ишга тўсиқ бўлмоқда. Очиғини айтганда, уларнинг очиқ-ошкор таъмагирлик қилиши, ўз манфаатларига мос тушмайдиган ҳар қандай ишга тўсиқ қўйиши кишига оғир ботади. Нимага деганда, бугун ҳаётнинг ўзи ҳар биримиздан ёниб яшашни, тадбиркор бўлишни тақоза этмоқда. Буни айтишдан мақсадим, банклардан берилаётган кредитларни олиш пайтида учрайдиган айрим тўрачилик, таъмагирликдир. Қаранг, Чироқчи "Тадбиркорбанк"ининг антиқа одати бор экан. Мижозга ажратилган кредит шартнома тузилгандан кейин бирданига ҳаммасини тўлиқ эмас, балки оз-оздан йил давомида бериб борилар экан. Оз-оздан йил давомида. Барча мижоз шундан нолийди. Шунингдек, кредит оладиган тадбиркор бирор каттароқ ишнинг уддасидан чиқолмайди ҳам. Чунки қўлида нақ маблағ бўлмаса, нима ҳам қила олади?! Банк мижозлари томонидан қарзлар вақтида қайтарилмаётгани ҳам шундан бўлса керак. Мен ҳам тўлиқ кредит ололмаётганим учун бизнес режамда қайд этилган молларни сотиб олишга қурбим етмайди. Яна бир гап: фермерларга озуқабоп ем учун аввало наряд олиш керак. Бироқ энг ёмони наряд учун ҳар бир килограмм озуқа учун камида икки сўмдан бермасангиз, наряд ололмайсиз. Туриб-туриб ўйлаб қоламан. Фермерларни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий тизим яратилган. Бироқ мавжуд қонунларни нега айрим раҳбарлар писанд қилишмайди?

Моҳира опа, рости гап, сизнинг қимматли фикрларингизни ўқимаганим қадар фермерчиликни ташлаб кетиш ниятим ҳам йўқ эмасди. Энди мен ҳам сиз каби ортга қайтмайман. Шукрки, Президентимиз ва қонунларимиз мавжуд. Мақсад йўлида сира толманг энди.

**Б. РАҲМОНОВ,**
**Чироқчи туманидаги "Бобурхон" фермер хўжалиги раиси**



## XXI АСРНИНГ БИРИНЧИ ҲУҚУҚШУНОС МАГИСТРЛАРИ

**Мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги кенг қамровли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясаганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Тошкент Давлат юридик институти ҳам ушбу дастур асосида магистратура йўналишини жорий қилиб, биринчи магистр ва бакалавр қалдирғочларини учирма қилди. Яқинда институтнинг Магистр даражасини берадиган давлат малака аттестацияси битирувчиларга магистрлик дипломини расман тақдим этди. Маросимда ТДЮИ ректори Ҳ.Бобоев магистратура давлатимиз учун Олий таълим соҳасидаги янги йўналиш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.**

**Шунингдек, ҳуқуқшунос магистрларидан Президентимизнинг умиди катта эканлиги, яъни ҳуқуқий демократик давлат қураётган бугунги кунда улар билимли, виждонли ва келажакда ўз соҳаси бўйича адолат мезонларига асосланиб иш кўришини, ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашларини таъкидлаб, Президентимизнинг "Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига" йўллаган табригини ўқиб-эшиттирди.**

**Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ҳожиакбар Раҳмонқулов сўзга чиқиб, магистр ва бакалавр битирувчиларини табриклаб, давлатимиз келажаги илмли ёшлар қўлида эканлигини айтди.**

**Маросимнинг асосий қисмида иккита ихтисослик бўйича 56 нафар магистр диплом ҳамда кўкрак нишонларини қабул қилиб олдилар.**

**"Ўзбекистон магистри" ёзуви битилган кўкрак нишонини олган ёшлар — магистрлик либосини кийган йигит-қизлар азиз устозлар, ота-оналари олдида қасамёд қилишганида, барчада фахр туйғуси уйғонди.**

**Олим НАРЗУЛЛАЕВ,**
**ТДЮИ талабаси**

## ҚЎЧҚОРОВ ТАЪМАГИР ЭМАС!

### ШУ ФИКРИМ БИЛАН ЎЗ АКАМГА ЖАБР ҚИЛДИМ...

Ўтган йил баҳорда қишлоққа бориб, акам Сулаймон Усмоновни жирканчли йўлдан қайтардим!.. Акам Иштихон туманидаги Ҳамид Олимжон номли хўжаликдан ўн гектар ерни ижарага олиб, бола-чақаси билан деҳқончилик қиларди. 1999 йил ердан режадаги 30 тонна ўрнига 33 тонна пахта топширган. Бу меҳнати эвазига 240.000 сўм меҳнат ҳақи олиши керак экан. Келишилган шартномага кўра, у шу маблағ ҳисобидан тўғридан-тўғри заводнинг ўзидан имтиёзли нархда 600 литр пахта ёғи ва 4 тонна ем-кунжара олиши ҳам мумкин экан! (Деҳқон ўзи етиштирган пахтаси ҳисобидан шунча маҳсулот олиши қандоқ қувончли ҳол-а...) Шундоқ шарт қўйиб, деҳқоннинг ғайратини жўш урдирган ақлли, тадбиркор раҳбарларга қойил қолмай илож йўқ!.. Пахта хирмонга келиб тушганидаёқ ваъдага вафо қилганида нур устига аъло нур бўларди. Афсуски...

— Пахтани топширганимизга ярим йилдан ошди ҳамки пулдан дарак йўқ, — деб куюниб гапирди акам. — Эшитишимча, кимки Иштихон туман фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллигидагиларга "узатса" иши дарров ҳал бўларкан. Мен ҳам...

— Уюшма раиси Илҳом Қўчқоровми? Яхши танийман. Илгари қайсидир хўжалик раиси эди. Виждонли киши. Бола-чақасига ҳаром егизишдан ҳазар қилади. У порахўр эмас! Балки эшитганингиз туҳматдир? Кимдир атай гиж-гижлаётгандир? Қолаверса, пора бериш ҳам жиноят ҳисобланади. Сиз ундай қилманг! — дея акамни бу йўлдан қайтардим. — Қонуний талаб қилинг. Аммо оч қолсангиз ҳам тинч юринг...

— Унда ўзинг бир оғиз айт, ғирромлик қилмасдан ҳаққимни берсин! У журналистларни ҳурмат қиларкан. Бир-иккита фермерлар журналистларни ўртага солишиб, ҳақларини ундиришганидан хабарим бор, — деди акам. — Жўжабирдай жонмиз...

Акамга раҳмим келди-ю, лекин Иштихон туман фермер хўжаликларига бориб, "Илҳом ака, келиб-келиб акамнинг ҳаққини бермабсиз-да...", дейишга кўнглим бўлмади. Башарти, шундоқ деган тақдиримда ҳам, Илҳом Қўчқоров нима дейишини биламан: "Акангиз андишали экан-а! Сизнинг акангиз эканлигини бир оғиз айтганида..." Хуллас, ўзимниям, Илҳом акани ҳам хижолат қилмадим...

Орадан яна ярим йил ўтиб яна қишлоққа борсам, акам йиғламоқдан бери бўлиб юрибди:

— Сенинг гапингга кирган ўзим аҳмоқман! — дея кесатди у. — Ана, қанча фермер ҳаққини олди-кетди. Эсингда бўлса, ўшанда меҳнат ҳаққим 240. 000 сўм эди. Вақтида пулимни қўлга олганимда ҳозиргача бир қисмига тирикчилик қилардик, қолганини "айлантириб-айлантириб" фалон сўмга етказиш имкони бор эди-да! Масалан, юзтагина тухум сотиб олиб, бостириб қўйганимда ҳам қанча товуғим бўларди! Юзта товуқ бир йилда нечтага кўпаяд?!. Битта товуқни камида минг сўмдан сотсам — миллионер бўлардим-ку! Хўш, ҳозир нима бўлди, дейсанми? Талла қишлоғи билан туман маркази ораси ўн километр. Ҳар бир бориб келганимга олти юз сўмдан сарфлайман. Ҳар гал "хабар олиб туринг!" деган мужмал жавобни эшитаман. Ўшандан буён юз марта қатнаган бўлсам — нақд олтмиш минг сўмни фақат йўлга сочибман... Ярим кундан вақтим кетган бўлса — роса эллик кун — бир ярим ойдан зиёдроқ иш вақтимни бой берибман. Далада қанча ишлар кутиб ётганини билмайсан-да. Солиқ сиёсатини яхши биласан, вақтида тегишли тўловларни тўламаса бўлмайди. Хуллас, тўловларга қайтиб-қайтиб, ҳисобимда 197.000 сўм қолибди...

Мен адолатли қонунга таяниб, булар билган "ҳаёт қонуни"ни бузиб қўйдимми, дея хижолат тортдим. Узр сўраб, бу гап туман марказига ўзим йўл олдим. Фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари Илҳом Қўчқоровни топиб, бўлган гапни оқизмай-томизмай айтдим. Мабодо, мен ўзимни четга олсам, акам ўзи боплаб ёзиши, исталган газетага, телевидение ё радиога мурожаат қилиши мумкинлигини эслатиб қўйдим. Ўз акам бўлгани учун андиша қилиб, уни бу йўлдан қайтарганимни тан олдим.

Фақат қилган ишимга пушаймонлигимни юзига солмадим...

Илҳом Қўчқоров ҳам гапнинг дангалини айтди-қўйди:

— Бемалол ёзсин! Митан пахта тозалаш пункти мутасаддилари вақтида ҳамма пулимизни берганида, шунча ғурбат йўқ эди...

(Давоми 2-бетда)

# ТАДБИРКОРНИНГ НОНИНИ ҲЕЧ КИМ ТУЯ ҚИЛОЛМАЙДИ

***Андижон вилояти адлия ходимлари томонидан ўтган 2000 йилда 81 та, 2001 йилнинг 1-чорагида 20 та бевосита тадбиркорлик фаолиятига дахлдор аризалар кўриб чиқилиб, қонуний муддатларда ҳал этилди. Вилоятнинг 9 та туман ва шаҳарларида тадбиркорликка оид қонунчиликнинг ижроси бўйича маҳаллий ҳокимликларда, давлат бошқарув ва назорат органларида режали текширишлар ўтказилди.***

Кўрилган аризалар, ўтказилган текширишлар натижасида 2000 йилда хўжалик судларига тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, 11 та даъво аризалари киритилди. Қонун талаблари бузилиш ҳолатлари бўйича тақдимномалар киритилди. Биргина факт: 2001 йилнинг 1-чорагида фуқаролик ишлари бўйича судларга тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, 15 та даъво аризалари киритилди ва фақатгина 4 та ҳолатда тадбиркорлар фойдасига 5 миллион 616 минг 500 сўм моддий ва 2 миллион 25 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

Ўтказилган текширишлар натижасида тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат идорасининг мансабдор шахслари томонидан паймол қилинаётгани, қонунбузишларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Масалан, давлат ҳокимияти органлари тадбиркорларнинг маблағларини уларнинг розилигисиз, турли хил тадбир ва жамғармаларга ноқонуний жалб қилиш ҳолатларига ҳанузгача йўл қўйилмоқда.

Пахтаобод тумани ҳокимлиги шу йил 14 феврал кунги "Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик" кўрик танловининг 2000 йил якунлари ҳақида" ги қарори билан 32 та корхона, шу жумладан 14 ҳиссадорлик жамияти, 3 та хусусий фирма раҳбарларидан махсус реестр орқали имзо қўйдирилиб, 32 миллион сўм маблағни ҳокимликнинг бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига туширган. Бундай ҳолат "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасига ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолотлари тўғрисида"ги Қонуннинг 20-, 21-моддаларига зиддир. Аниқланган ҳолат бўйича туман ҳокимлиги раҳбариятига тақдимнома киритилди. Худди шундай ҳолат Балиқчи туман ҳокимининг қарорларида ҳам учрайди.

Ўтказилаётган кенг миқёсдаги тадбирлар, тушунтириш ишларига қарамасдан ҳали ҳам "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонуннинг ижросини таъминлашда камчиликлар мавжуд. Тадбиркорларни назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Текширишларни тартибга солишда назорат органларининг масъул ходимларида қонунни менсимаслик ёки ҳуқуқий саводсизлик кўринишлари ҳам йўқ эмас. Андижон тумани давлат солиқ инспекцияси ходимларининг тадбиркорларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги 17 та ноқонуний қарорлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 36-моддасига зид равишда, яъни жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетган бўлишига қарамай жазолаш ҳақида қабул қилинган. Бу қарорлар адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан вилоят суди томонидан бекор қилинди.

Шу ўринда банклар томонидан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасини қўпол равишда бузиш ҳолатлари ҳали бартараф этилмаганини айтиб ўтиш жоиздир. Айрим банк муассасалари тадбиркорларнинг кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш кафолатларига етарлича амал қилмаётгани ҳам ачинарлидир. Тадбиркорларнинг асосланган кредит сўраб берган аризалари ўз вақтида ҳал этилмасдан пайсалга солиниши натижасида ҳақли эътирозлар туғилмоқда.

Масалан, Хўжаобод туманидаги "Чинор" фермер хўжалиги бошлиғи И. Абдураҳмоновнинг "Тадбиркорбанк"дан кредит олиш тўғрисидаги аризаси банкнинг туман амалиёт бўлими кредит комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва кредит ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқарилган. Лекин банкнинг вилоят кредит комиссияси "Фермер хўжалигининг лойиҳасини кредитлаш мақсадга мувофиқ эмас", деб нотўғри хулоса берган, натижада тадбиркор кредитдан маҳрум бўлган.

Адлия ходимларининг аралашувидан кейин банкнинг кредит бериш тартибини бузган ходимлари интизомий жазога тортилди. "Чинор" фермер хўжалигига кредит бериш масаласи ҳал этилди.

Умуман, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, қайси туман,шаҳарда тадбиркорликка оид қонун бузилишига йўл қўйилган бўлса, ўша жойлардан аризалар кўп тушар экан. Хусусан, вилоят адлия бошқармасига тадбиркорлик масалалари бўйича 2000 йилда келган 81 та аризанинг 13 таси ёки 16 фоизи, 2001 йилнинг шу кунигача келган 24 та аризанинг 6 таси ёки 25 фоизи Балиқчи тумани ҳисобига тўғри келган.

Бу аризаларнинг аксарият қисми фермер хўжаликларининг ўзларига ажратилган ерларини ширкат хўжаликлари томонидан ноқонуний олиб қўйиш, ҳокимлик томонидан узоқ муддатли ижарага берилган ерларни қонунчиликда белгиланган муддатларда ажратиб бермаслик, фермер хўжаликларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш ва мулкларига тажовуз қилиш масалаларига тегишлидир.

Хусусан, Балиқчи туманидаги сабзавотчиликка ихтисослаштирилган "Сайдулло ота" фермер хўжалигининг сабзавот экилган 1 гектар 65 сотих майдондаги экинлари "Балиқчи" ширкати раиси Исақовнинг топшириғига асосан ҳайдаб юборилган ва ўрнига пахта экилган. Фермер хўжалигининг "Анор" жамоа корхонаси билан 2001 йилда сабзавот етказиб бериш учун контрактация шартномаси ҳам ҳисобга олинмаган. Бу иш юзасидан адлия бошқармаси тўплаган ҳужжатларда жиноят аломатлари борлиги учун туман прокуратурасига юборилди.

Шунингдек, шу тумандаги "Улуғбек" ширкат хўжалиги бошқаруви "Иқбол" фермер хўжалигининг ерини олиб қўйиш ҳақида ноқонуний қарор қабул қилган. Бизнинг огоҳномамизга асосан қарор бекор қилиниб, бу ҳаракат тўхтатилди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари, деҳқон-фермер хўжаликлари мустақил давлатимиз қонунлари ҳимоясида. Ҳеч ким энди уларнинг нонини, мулкини туя қилолмайди, ҳақ-ҳуқуқини поймол эта олмайди.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ**
**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**

## «Инсон ва қонун» СЎРОВ?НОМАСИ

*Халқимиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда жаҳон андозаларига уйғун қонунлар тизими яратилмоқда. Қонунларимиз моҳиятан халқнинг манфаатини ҳимоя қилишга, эркин фикр ва фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган. Демак, уларнинг қандай ишлаши кўп жиҳатдан сизнинг фаоллигингизга, ҳуқуқий онгингизнинг мукаммаллигига боғлиқ. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қабул қилинган янги қонунларнинг амалий ижроси жойларда тўлақонли бажарилаяпти, деб айта олмаймиз. Сизнингча, уларнинг тўлақонли амалий ижросига қандай иллатлар тўсқинлик қилмоқда? Қуйидаги сўровнома ҳам қонунлар ва уларнинг ижроси билан бевосита боғлиқ бўлган жараёнга сизнинг холисона муносабатингизни билишга қаратилган.*

***1. Судга ишингиз тушганми? Борди-ю тушган бўлса, унинг натижаси сизни қаноатлантирадими?***

***2. Судьяларнинг қайси фазилатлари сизга маъқул бўлди?***

***3. Сизнингча, судлар фаолиятини янада яхшилаш учун нималар қилиниши керак?***

***4. Қонунларимизга муносабатингиз: уларнинг жойлардаги ижросидан кўнглингиз тўладими?***

***5. Сизнингча қонунлар ижросига қандай иллатлар тўсиқ бўлаяпти?!***

***Бу иллатларни бартараф этиш учун нима қилиш лозим, деб ўйлайсиз?***

Ушбу сўровнома орқали қонунлар ижросидаги камчилик, нуқсонларни аниқлаш, иллатларнинг олдини олиш имконияти пайдо бўлади, деган умиддамиз.

Сизларнинг холисона фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни кутамиз.



*Ҳозирги ёшлар*

*Қонундан нажот топди*

# ҲАМКОРИНГИЗ КИМ? УНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ?

*Ҳамкорликка путур етса режа бузилади, ишонч йўқолади, низо юзага келади*

Янгиариқлик якка тадбиркор Одилбек Кўчқоровга автошиналар зарур бўлиб қолди. Бундан хабар топган «Оқсоқол» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи Одилбек Рўзиматов ваъдани қуюқ қилди. Нархлар келишилиб, шартнома имзоланди. Келишувга асосан автошиналар 3 ойда мижоз қўлига тегадиган бўлди. Бироқ 250 минг сўмни «Оқсоқол» ҳисоб рақамига ўтказиб берган тадбиркор автошиналарни роппа-роса 8 ой кутди. Тадбиркор ўз ҳамкорига учрашишдан, у эса ваъда беришдан нари ўтмади. Шундай қилиб, 2000 йилнинг ўн ярим ойи ҳам орқада қолди. Автошина олишга кўзи етмаган тадбиркорнинг ҳафсаласи пир бўлиб, «ҳамкори»дан пулни қайтаришни қатъиян талаб қилди. Бўлмади. Шундан сўнг тоқати тоқ бўлган тадбиркор охири вилоят хўжалик судига мурожаат қилди. Гарчи О.Рўзиматов суд томонидан юборилган шошилинчномаларни олган бўлса ҳам судда қатнашишдан бош тортди. Начора. Белгиланган тартиб-қоидага кўра даъво иши унинг иштирокисиз кўриб чиқилди.

Тадбиркор қонундан нажот топди. Суд тегишли ҳужжатга асосланиб, ишни тадбиркор фойдасига ҳал этди. Ушбу даъво аризаси судда кўриб чиқилганидан сўнг жавобгар 600 минг сўм пулни тадбиркорга қайтарди.

Ҳамкор, яъни мижозидан «куйган»лардан яна бири Қўшкўпирдаги «Ираш» корпорациясидир. Ушбу ташкилот тумандаги И.Иброҳимов номли жамоа хўжалигига (1996 йил 24 июнда имзоланган шартномага кўра) 3 ой давомида 271635 сўмлик автотранспорт хизмати кўрсатган. Тўланмаган қарз икки ўртада тузилган солиштирма далолатномага асосан (жаримаси билан 1997 йилнинг 1 июлга келиб) 1.000103 сўмни ташкил қилди. Аммо қарз тўланмади, мулкий можаро 2000 йилнинг охирига келиб, суд аралашувидан кейингина ўз ечимини топди. Суд «Ираш»нинг даъвосини асосли деб ҳисоблаб, жавобгардан нафақат юқорида кўрсатилган миқдордаги пулни, балки 600 минг сўмга яқин устамани ҳам ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Ўз мижозининг молиявий аҳволини аниқламасдан, у билан ҳамкорлик қилган, пулни олдиндан тўлатмасдан, маҳсулот бериб доғда қолганлар орасида «Сергели мебель бирлашмаси» акциядорлик жамияти ҳам бор. Жамиятдан «Қилич» хусусий фирмаси салкам ярим миллион сўмлик мебель тўпламини олгану, лекин пулини тўламаган. Жамият вакиллари ҳам асосий қарзни жавобгардан ундириб беришни сўраб хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Суд даъво аризасини кўриб чиқиб, жамият фойдасига ҳал қилув қарорини чиқарди.

Суд жараёнида фирма раҳбари Жобберган Қиличев фирма ташкил қилингандан бери давлат солиқ инспекциясига умуман ҳисобот топширмаганлиги ҳам аниқланди. Даъвогардан олинган мебель тўпламлари эса фирмага кирим қилинмасдан сотиб юборилган. Сотилган маҳсулотларнинг пуллари ҳам кирим қилинмасдан ишлатилган.

Суд ижрочилари томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида фирмага тегишли мол-мулкнинг умуман йўқлиги маълум бўлди. Маҳсулотни олиб, пулни тўламасдан, уларни бошқа мақсадларга ишлатиб юборган фирма раҳбари Ж.Қиличевга нисбатан қонуний чора кўриш учун тегишли ҳужжатларни туман прокуратурасига юборишга тўғри келди. Буни қарангки, хўжалик суди ижрочилари худди шундай ҳолга сал олдин ҳам дуч келишган эди. «Жамолбек» хусусий фирмаси раҳбари Раҳимбой Қиличев ҳам Сергелидаги мебель бирлашмасидан салкам 650 минг сўмлик мебель тўпламини олиб, уни фирмага кирим қилмасдан сотиб, пулини ҳам ишлатиб юборганди. Қарзни тўламаган, мол-мулкка ҳам эга бўлмаган фирма раҳбари Рахимбой Қиличевга нисбатан Янгиариқ туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддасига асосан жиноий иш қўзғатилди, суд эса унга қонуний жазо тайинлади.

Ҳар ким экканини ўради, дейдилар. Номигагина тадбиркор бўлиб, бундан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланувчи, ҳамкорликка ҳам, ўзаро ишончга ҳам путур етказиб, ўзгаларга зарар етказувчиларни жазо кутиши аниқ.

Қиссадан ҳисса шуки, борди-ю, шартнома тузмоқчи бўлсангиз, олдин ҳамкорингизнинг молиявий аҳволини билиб, имкониятларини аниқлаб, ундан кейин олди-бердини йўлга қўйишни унутманг. Йўқса, алданиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

**А.СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» нинг махсус мухбири**

# ҚЎЧҚОРОВ ТАЪМАГИР ЭМАС!

## ШУ ФИКРИМ БИЛАН ЎЗ АКАМГА "ЖАБР" ҚИЛДИМ..

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Эринмасдан Митандаги пахта тозалаш пунктига бордим. Раҳбари Толлибой ака деган киши экан. Гапимни эътибор билан тинглагач, ётиғи билан тушунтирди:

— Биз 1999 йил ҳосили учун тўлашимиз зарур бўлган пулнинг асосий қисмини аллақачон бериб бўлганмиз. Сулаймон акани яхши танийман. Уста деҳқон, танти одам. Наҳот шу кунгача пулини ололмабди? Майли, эртаиндин қолган пулни ҳам банкка ўтказамиз. Юз фоиз қарздан қутуламиз, фермерлар ҳам дўпписини осмонга отади!..

Бу хушхабарни акамга етказдим:

— Митан пахта пункти банкка ўн икки миллион сўмдан зиёд пул ўтказибди! Юринг, катталарингиз билан очиқча гаплашамиз...

Ака-ука туман марказига бордик. Иштихон туман фермерлар уюшмаси вакиллиги эшиги олдида тўрт-беш киши раҳбарларни кутиб туришган эди.

Ҳадемай бино эшиги очилди. Одамлар уймалашиб кира бошладилар. Мен ҳам ичкариладим. Билишимча, мазкур уюшма вакиллиги бош ҳисобчиси келган экан. Минг истиҳола билан ўша кишининг олдига кирди. Акам ҳақида сўз бошлаган эдим ҳамки, у кутганимдан зиёда жавоб қайтарди:

— Ҳамма гапдан хабарим бор! Пахта заводи ўн икки миллион сўм ўтказди. Энди Сулаймон ака ўзимга учрашсин, вассалом!..

— Илҳом Қўчқоровга...

Гапимни охиригача эшитмай, бош ҳисобчи шундай деди:

— Унга айтишга ҳожат йўқ. Ўзим тушунтириб қўяман!..

Қўлини кўксига қўйиб мулозамат кўрсатаётган ширинсухан бош ҳисобчининг ваъдасидан қувониб, изимга қайтдим.

Орадан уч ой ўтиб, якинда — шу йил июннинг охирида яна қишлоққа йўлим тушди. Бош ҳисобчи эски қадрдоним Илҳом Қўчқоровга саломимни етказгани ва акам ҳаққини олганига заррача шубҳа қилмасдим.

Аммо ўн кунча бурун йиқилиб, синган қўлини бўйнига осиб олган акам "ҳақиқатпарастлигинг қурсин" дегандек ғалати қарши олди.

— Пулингизни ҳалигача беришмадими?! — деб сўрадим беихтиёр. — Ахир...

— Ахир-пахири кетмайди бу ерда, десам, йўлимга ғов бўлган эдинг, — деди акам асаби бузилиб. — Энди уларнинг топган гапини қаранг, пахта топширган пайтингизда уюшма вакиллиги раҳбари Ибодулло Ботиров эди, пулингизни ўша одамдан олинг, дейди-я. Ибодуллонинг "Меҳнат-роҳат" хўжалигига раис бўлиб кетганига икки йил бўляпти. Қандоқ қилиб унга "ҳў ўшанда топширган пахтамнинг пулини топиб бер", дейман?! Қонун бор-ку: қайсики раҳбар шунақа лавозимни қабул қилиб олса, қарз масалаларини ўзи ҳал этади. Модомики, ҳал эта олмаса, нега бу мансабга ўтирди? Шу дардини нега ҳозиргача айтмади? Нега бошқа фермерларнинг ҳаққини берди? Эҳ, укажон, сен тўғаноқ бўлмаганингда... ўзим йўлини топармидим? Май ойида ота гўри - қозихона қилиб, аранг 97.000 сўмини олдим. Энди эса 100.000 сўмидан умидни узаверинг, бера олмаймиз, дейди-я... Энди сендан маслаҳат ҳам, қарз ҳам сўрамайман... Судга бораман. Эшитишимча, судга мурожаат қилишдан аввал қанчадир пул тўлаш керак экан...

— Шошманг, — дедим аслида ўзим шошиб. — Суд айбдор томондан ундириб олмасмикин тегишли ҳақини...

— Билмасанг нима қиласан бидирлаб?! Ҳе, сендақа ўқигандан...

Дод, деб юборишимга оз қолди. Наҳот, акажонимнинг шу куйга тушишига мен айбдор бўлсам?!

Юртбошимиз яқинда Қашқадарё вилоятига қилган сафари чоғида мутасадди раҳбарларга деҳқоннинг меҳнат ҳаққини ўз вақтида бериб борилиши иш самарадорлигини оширадиган асосий омиллардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Нақадар одилона гап! Мен жаноб Илҳом Қўчқоровни бузғунчи, порахўр ё таъмагир демоқчи эмасман. Бундай дейишга исбот керак. Суднинг ҳукми чиқмагунча ҳеч бир бандасини жиноятчи ё гуноҳкор дейишга ҳаққимиз йўқ. Акам ҳам уч йилдан буён меҳнат ҳаққини ололмаётган бўлсада, қонунбузар бўлмади, қайсидир "оғзиботир"ларнинг гапига кириб, бировни йўлдан урмади. Фақат, мендек журналист укасидан хафа...

**Тўлқин УСМОН ўғли,**
**журналист**

*Талаба мулоҳаза юритади*

# ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

***Жамиятимиз демократик тамойиллар шаклланиб бораётган, инсоннинг қадр-қиммати улуғланаётган бугунги кун ҳақида ўйлаганда, дафъатан бир савол туғилади: хўш, эркинлик дегани нима? Унинг мезонлари нима билан ўлчанади?***

Албатта, эркинлик — бу ҳар нарсани қилиш мумкин деган тушунчани англатмайди. Балки ҳар бир фуқаронинг эркинлиги, энг аввало, жамият, давлат ҳамда амалдаги Конституция ва қонунларга ҳар жиҳатдан уйғун бўлиши лозим. Шунингдек, эркинлик бу — бекорчилик дегани эмас, балки ўз вақтида бирон бир фойдали касб турини танлаш, нима қилиш керак, нима қилиш керак эмаслигини шахсан ҳал қилиши демакдир.

Буюк француз мутафаккирларидан бири Ш.Монтескье бу ҳақда шундай деган: «Эркинлик бу — қонунлар йўл қўядиган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро мазкур қонунлар таъқиқлайдиган нарсаларни қила олганда эди, унда унинг эркинликлари бўлмас эди, чўнки бошқа фуқаролар ҳам айни шундай йўл тутган бўларди».

Ҳар биримизнинг эркинлигимизни таъминлайдиган ҳол — шахсий дахлсизликдир.

Хўш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи нима?

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бу кишининг эркин ҳаёт кечириши, эркин хатти-ҳаракатида дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланишидир. Яъни дахлсизлик бу ҳар бир инсонга қонунни четлаб ўтиб, таъсир ўтказиш, уни мажбуран номақбул йўл тутишга ундаш ёки ҳақҳуқуқларини кўр-кўрона топташ асло мумкин эмас деган маънони англатади.

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг шахсий дахлсизлиги таъминланди. Бу энг аввало, Бош қомусимизда ўзининг теран ифодасини топган. Унга кўра яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлиб, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, соғлигига, ор-номусига ҳамда қадр-қимматига тажовуз қилиш қатъий ман этилган.

Шу билан бирга, шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи республикамиз барча ҳуқуқ соҳалари билан жумладан, жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинган. Шунга кўра бу ҳуқуқларга тажовуз қилганлик учун жавобгарлик ўрнатилиб, турли жазо чоралари белгиланган.

Бунинг учун шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бузилган ҳеч бир киши энг аввало, қонуний талабларини юзага чиқариш учун албатта, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Конституциямизнинг 25-моддасига кўра, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Агар бу модда ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритсак, унинг замирида катта маъно мужассам эканлигига гувоҳ бўламиз.

Шу ўринда халқаро ҳужжатлардан бири «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пактнинг 9-моддаси 1-бандига асосан ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир, ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши, ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таомилига биноангина озодликдан маҳрум қилиш мумкин.

Бизга маълумки, одамларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қимматини топталиши одатий ҳолга айланиб қолган эди. Одамлар ғайриинсоний тарзда ҳибсга олингани эди, минглаб кишилар ўзларининг айби нима эканлигини билмаган ҳолда оғир жазоларга маҳкум этилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Халқимизнинг эртанги кунига ишончи ҳамда мамлакатимиз раҳбариятининг тиним билмай ҳаракатлари эвазига бугун Ватанимиз мустақил. Бугун инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимизнинг олдидаги энг асосий вазифа ҳисобланади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқариш, уни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласи экан, энг аввало, фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини билиб олишлари, унга амал қилишлари конституция ва қонунларни ҳаётининг ажралмас бир бўлаги қилиб олишлари халқимизнинг, Ватанимизнинг, келажак авлодимизнинг эртанги кунининг юксак даражада тараққий этишини амалда намоён этади.

**Муродилло АБДУҲАКИМОВ,**
**ТДЮИ 2-ҳуқуқ факультети, 2-курс талабаси**

## Оталар дейдики:

***Агар таълим-тарбия ва жазо тўғрисида қонун-қоида бўлмаса, мамлакат ишлари бузилади.***

***

***Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур.***

***

***Агар инсон бирор касбни мукаммал эгалласа, меҳнат унга ҳузур бағишлайди, бахт келтиради.***

***

***Фақат ҳаракатгина эзгуликнинг ҳақиқий қадр-қимматини белгилайди.***

***

***Тафаккур буюк фазилатдир ва одамнинг донолиги ҳақиқатни айтишида, табиатга қулоқ солган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилишидадир.***

*Дунё тараққиётининг қизиқ тажрибалари*

# "ЯХШИ" ВА "ЁМОН" ҚОНУНЛАР

***Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий даражаси қабул қилинган қонунлар мажмуаси билан эмас, балки амалда "ишлаётган", мунтазам ҳаракатда бўлган қонунларнинг имконияти билан белгиланади. Перулик социолог Эрнандо де Сото китобининг ана шу масалага бағишланган навбатдаги лавҳасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.***

Мамлакатда мавжуд бўлган муаммолар моҳиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Озодлик ва демократия институти аҳоли ўртасида социологик сўров ўтказди. Унда иштирок этганларнинг аксарияти яширин секторга мансуб бўлганлиги учун олинган илмий натижалар анча мураккаб, баъзида эса изоҳталаб ҳулосалардан иборат эди. Респондентлар Перудаги мавжуд қонунларни қатъиян икки гуруҳга — яхши ва ёмонга ажратиб қўйишди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, алоҳида олинган битта одам тасаввурида "қонун" тушунчасининг акс этиши жуда қизиқ бўлиб чиқди. Маҳаллий ҳокимият қарори ҳам, қайсидир департамент буйруғи ҳам, ижро аппарати томонидан қабул қилинган қайсидир қоида, тавсия, йўриқнома ҳам, бошқа барча қоғозбозликлар ҳам қонун талаблари асосида, қонун даражасида, демакки, айнан қонуннинг деб қабул қилинар экан. Амалдаги қонун билан танишиш, уни ўқиб тушуниш ҳар кимга ҳам "насиб" этмас экан. Шу боис оддий фуқаро томонидан қонунларни яхши ва ёмон гуруҳларга ажратиш — бу асосан Қонун остидаги ҳаётга яқинроқ турган қарор, буйруқ, тавсия ва ҳоказоларнинг табиати, маҳаллий хусусиятидан келиб чиққан хулосалардир. Кундалик ҳаётда, оддий фуқаронинг иқтисодий самара кўришига имкон берувчи қонунлар "яхши қонун" деб аталса, фаолият юритиши, кўпроқ фойда олишга халақит берувчи қонунлар "ёмон қонун" деб ҳисобланар экан.

Ўзининг шахсий фаолиятини (хусусан тадбиркорлик фаолиятини) қонуний асосда олиб борувчи фуқаро учун икки босқичдаги қонунлар мажмуаси мавжуд экан: 1. Фаолият бошлагунга қадар "хизмат" қилувчи қонунлар мажмуаси; 2. Фаолиятнинг давом эттиришини таъминловчи қонунлар. Иккинчи босқичда энг яхши самара берувчи омил бу фаолиятнинг ўзини кучайтириш эмас, балки "қонун эгалари", яъни турли даражадаги "кабинетда ўтирувчи" ходимлар билан муносабатни яхшилаб олиш экан.

Сўров натижасида яна ҳақиқатга яқин бўлган хулоса келиб чиқади: Перу иқтисодиётида жиддий муаммо ҳисобланган бюрократия, сансоларлик, коррупция, порахўрлик иллатлари, айниқса, ишлаб чиқариш фаолияти билан банд одамларга салбий таъсир ўтказар экан.

Ҳисоб-китоблар яна шуни кўрсатадики, уй-жой қуриш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни қонуний расмийлаштириш, кўзда тутилган меъёрий талабларни бажариш учун кўп эмас, оз эмас... етти йил вақт кетар экан. Шу боис уй қурмоқчи бўлган киши аксарият ҳолда "қонунни бузиб", ёки "қонунга хилоф" равишда иш тутишга мажбур бўлади: аввал иморатни қуриб, сўнг уни расмийлаштириб олади. Шундай йўл тутилса, бу жараён анча тезлашар экан.

Савдо муассасаларининг ҳужжатларини расмийлаштириш жараёни бундан ҳам узоқроқ чўзилиши мумкин. Масалан, тайёр бинодаги дўконни қонуний ишга тушириш учун 43 кун керак бўлса, ўртача ҳажмдаги бозор қуриш ва уни расмийлаштириб, ишга тушириш учун... 14,5 йил зарур бўлади. Буларнинг бари "Нима учун кўчадаги "нолегал" савдо тез ривожланади?" - деган табиий саволга аниқ ва ишончли жавоб бўладиган далиллардир.

Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, ишлаб турган ўртача фирмаларнинг раҳбарлари ўзларининг 40 фоиз вақтини бюрократик талабларни бажаришга сарфлар экан. Амалдаги қонун-қоидаларга тўлиқ риоя қилиш меҳнат ресурсларининг тақсимланишига, ишлаб чиқариш ривожини таъминлашга салбий таъсир этиб, турли хил кўзда тутилмаган харажатларнинг кўпайишига олиб келар экан. Соф фойдаси камайиб кетган фирма эгаларининг ҳафсаласи пир бўлиб, ўз корхонасининг гуллаб яшнаши учун ноқонуний омилларга мурожаат қилишга мажбур бўлар экан.

Шунга қарамасдан, яширин иқтисодиёт (теневая экономика) вакиллари орасида ўз фаолиятини қонунийлаштиришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётганлиги ҳам аниқланди. Тадқиқот давомида бунинг ҳам бир қатор объектив сабаблари белгиланди: биринчидан, яширин фаолият эгаси ҳар дақиқада ушланиб қолишдан, жазоланиш ва оқибатда касод бўлишдан қўрқиб яшайди. У ўз фаолият доирасини онгли равишда кенгайтирмайди, ишчи-ходимларни ҳар томонга тарқатиб қўяди, рекламалардан воз кечади, мунтазам пора бериб туришга мажбур бўлади, очиқ бозорга чиқолмайди, банк хизматидан фойдалана олмайди ва ҳоказо. Иккинчидан, яширин сектор вакиллари давлат томонидан белгиланган кўпгина имконият ва имтиёзлардан фойдалана олмайди, жумладан, у "инфляция налоги" нималигини билмайди, ҳар қандай олди-сотти операциясини фақатгина нақд пул орқали амалга оширади, заҳира учун пул эмас, фаол товарларни (асбоб-ускуналарни, ҳар хил мулк шаклларини) ушлаб тургани боис ўзидаги ресурслардан норационал тарзда фойдаланишга мажбурдир. Учинчидан, яширин тижорат эгаси давлатга солиқ тўламаганлиги учун анчагина жабр кўришга маҳкумдир. Масалан, у ишлаб чиқаришнинг энг сўнгги технологияларини расман сотиб ололмаганлиги боис маҳсулот сифати, кўриниши ва бошқа жиҳатлари нисбатан орқада қолиб кетиши аниқ. Шундай қилиб яширин тижорат учун муаммолар кўп. Чунки унинг ҳуқуқий тизими ишлаб чиқилмаган, ҳуқуқий ҳимоя қилинмаган. Бир сўз билан айтганда, у "яхши" қонунларга доимо муҳтож.

**Рус тилидан Дилмурод МУҲАММАДИЕВ таржимаси**

## XXI аср: Ўзбекистон ёшлари

***Маҳбуба Эргашева иқтидорли ёшлардан бири. У 1967 йили Қоракўл шаҳрида туғилган. 1990 йили ТошДУнинг роман-герман филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тугатган.***

***1995-1996 йилларда БМТ ваколатхонасида таржимон, БМТ вакилининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, Гендер ва тараққиёт бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1997 йили Нью-Йорк Университетида Гендер масалалари бўйича таҳсил олган. 1998 йили БМТнинг Бангкокдаги Осиё ва Тинч океани кўрфази ижтимоий-иқтисодий комиссиясида дипломат ва катта консультант лавозимларида ишлаган.***

***1996 йилнинг декабр ойида Тошкент шаҳар “Лидер” аёллар марказини ташкил этган. Айни пайтда ушбу марказ раҳбари.***

***Қуйида Маҳбуба Эргашева билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.***

# ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

**— Республикамизда аёллар масалалари билан бевосита шуғулланадиган ташкилотлар анчагина. “Лидер” аёллар марказининг бу ташкилотлардан қандай фарқи бор?**

— Марказимизнинг асосий мақсади мамлакатимиз аёлларининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий мавқеини ошириш йўли билан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашиш ва жамиятимизни демократлаштиришда аёллар фаоллигини оширишга қаратилган. Дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий, иқтисодий билимларни эгаллашда аёлларга ёрдам бераяпмиз.

**— Уни ташкил қилишга нима туртки берган эди?**

— БМТ ваколатхонасида ишлаган кезларим аёллар муаммоси билан тўқнаш келдим. Ҳар куни турли миллатга мансуб 5-10 нафар аёл у ёки бу муаммо билан келарди. БМТ ваколатхонасида уларнинг (кўпинча шахсий, миллий) муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконияти йўқ эди. Уларга ёрдам беролмаганимдан афсусланганд ек бўлардим. Вашингтон университетига малака оширишга борганимда бизга интернетдан фойдаланиш имконияти (бепул) берилди. Интернет маълумотлари билан танишар эканман, АҚШда бир миллиондан зиёд аёллар ташкилотлари мавжудлигини билиб қолдим. Қисқаси, ҳаётни ўзи шундай марказ тузиш кераклигини тақозо этди.

**— Марказ фаолиятининг устувор йўналишлари нималардан иборат?**

— Асосий эътиборни аёлларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга қаратаяпмиз. Сўровлар йўли билан ташаббусни, ташаббускор аёлларни аниқлаймиз ва ташаббусларни дунё талабларига жавоб берадиган даражада (халқаро ташкилотлар кўмагида) лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш;

- аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, гендер масалалари бўйича маълумотларни кенг тарғиб қилиш ва ахборот материалларни тарқатиш шулар жумласидандир;

**— Шу пайтгача бу борада қандай лойиҳалар амалга оширилди?**



— “Каунтерпарт-Консорциум” халқаро жамғармаси кўмагида “Жамиятнинг тикланиш йўлида” “Гулшанаро чеҳралар” номли ҳужжатли фильмлар (уларнинг сценарийсини ўзимиз ёздик) яратилиб, республика телевидениеси орқали намойиш қилинди. “Евроосиё” халқаро фонди ва “Меҳршафқат” корпуси гранти асосида мамлакатимиз аёлларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборот компанияси ўтказилди: икки тилда ойлик ахборот варақалари чоп этилиб, радио эшиттириш ва телекўрсатувлар ташкил қилинди, вилоятларда семинар-тренинглар ўтказдик. NOVIB халқаро фонди ҳомийлигида аёллар ҳуқуқлари бўйича “очиқ мунозара ва маърузалар” ўтказилиб, “Репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар” номли рисола, IREX халқаро фонди ҳомийлигида “Марказий Осиё аёли учинчи минг йиллик бўсағасида” деб номланган журнал нашр этдик. Ҳозир Мак-Артуров фонди гранти асосида “Аёллар ҳуқуқлари бўйича ахборот компаниясини ўтказишнинг иккинчи босқич” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

**— Аёллар ўртасида турли сўровлар ўтказиб келаётган экансизлар. Уларнинг натижалари хусусида нималар дея оласиз.**

— У ёки бу дастур, лойиҳани амалга оширишга киришишдан аввал ушбу масала юзасидан сўров ўтказамиз. Сўровлар ёрдамида аёлларнинг энг долзарб муаммоларини аниқлаймиз. Шундан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқамиз.

Айни пайтда аёлларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган лойиҳани амалга ошираяпмиз. У кенг қамровли бўлиб, 4 йўналишдан иборат. Яъни аёлларнинг ҳар ойда мунтазам равишда ҳуқуқларига бағишланган ахборот варақалари тарқатиш, йилнинг ҳар бир чорагида бир марта аёллар ҳуқуқларига бағишланган тренинглар ўтказиш, мунтазам радиоэшиттиришлар ташкил қилиш. Ва ниҳоят, одамларга психологик таъсир қиладиган ахборотлар етказиш.

**— Гендер сиёсати деган иборани қандай изоҳлайсиз?**

— Гендер сиёсати — бу давлат ва жамоанинг эркаклар ва аёллар орасидаги муносабатларида ҳақиқий тенгликка эришишга, яъни аёллар ҳуқуқларининг чекланишини бартараф қилишга йўналтирилган кенг қамровли сиёсатдир. Ўзбекистон 1995 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилди. Шу йилнинг феврал ойида бўлиб ўтган БМТнинг XXIV-сессиясида мамлакатимизда ушбу Конвенция талабларининг бажарилиши бўйича биринчи марта ҳисобот берилди.

**— Сизнингча, мамлакатимизда гендер сиёсати қандай олиб борилаяпти?**

— Мамлакатимиз “Аёллар конвенцияси”га аъзо бўлганига 5 йилдан ошди. Лекин мана шу қисқа вақт ичида бу борада салмоқли натижаларга эришилди. 1995 йилнинг 2 мартида қабул қилинган ҳукумат қарори жамиятимизда аёлларнинг ижтимоий мақомини янада оширишга қаратилган муҳим воқеа бўлди.

**— Халқаро талаблар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, мамлакатимизда аёлларнинг сиёсатдаги фаоллиги қандай?**

— Ривожланган демократик давлатларда аёллар парламентда, ижро ва суд органларида фаол иштирок этишади. Масалан, Швецияда аёлларнинг қонун ишлаб чиқариш органларидаги иштироки 42 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Германияда 37,7, Финляндияда 37, Туркияда 5,18 фоизни ташкил қилади. Аёлларнинг ижроия ҳокимиятидаги иштирокини кўриб чиқадиган бўлсак, бу кўрсаткич Швецияда 50, Норвегияда 42, Германияда 35, Туркияда 5,13 фоизни ташкил этади. Минтақамиз давлатлари ичида мамлакатимизда аёлларнинг ҳокимият органларидаги иштироки анча юқори. Бироқ масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич аҳолининг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил этган мамлакат учун ҳали етарли эмас, деб ўйлайман.

**— Марказнинг бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш бўйича режалари қандай?**

— Юқорида ҳам таъкидланганидек, мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий мақомини оширишнинг ҳуқуқий базаси яратилган. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан аёлларнинг мавқеи ва жамиятдаги ролини янада кўтаришга қаратилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Мақсадимиз ҳам аёлларнинг жамият тараққиётини ривожлантириш йўлидаги иштироки ва имкониятларини янада кенгайтиришга кўмаклашиш. Назаримда, қуйи ва ўрта бўғинда раҳбарлик вазифаларида ишлаётган аёлларнинг ҳуқуқий билим ва малакасини, раҳбарлик салоҳиятини янада ошириш керак. Чунки ислоҳотларни амалга оширишнинг залворли юки асосан қуйи бўғинда ишлаётган раҳбар аёлларнинг зиммасига тушади. Ривожланган демократик давлатларда айни шу жабҳада ишлаётган раҳбар аёлларнинг билим ва малакасини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, келгусида гендер мутахассисларини тайёрлаш университетини ташкил қилиш ниятидамиз. Қачонки, ҳуқуқий онг мукаммал бўлса, ижтимоий тараққиёт тезлашади.

**Феруза ИБРОҲИМОВА**
**суҳбатлашди**

---

## ЭЪЛОН

**Тошкент Давлат юридик институти 2001-2002 ўқув йилида магистратурада ўқиш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича**

### ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи”;
— “Давлат ҳуқуқ ва бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи”;
— “Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ”;
— “Хўжалик ҳуқуқи; хўжалик жараёни”;
— “Меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи”;
— “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экология ҳуқуқи”;
— “Жиноят ҳуқуқи; криминология; жиноят-ижроия ҳуқуқи”;
— “Жиноят жараёни; криминалистика ва тезкор қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси”;
— “Халқаро ҳуқуқ”;
— “Суд тизими; прокурор назорати; адвокатура”

***Маълумот учун телефон: 132-05-80***

---

*Ёднома*

# УМР ЙЎЛИ



Ўқув йили тугадию, ногаҳон мени хотиржамлик ўрнига қандайдир бир ҳис безовта қила бошлади. Кўз ўнгимда устозларим бирин-кетин ўта бошлади. Улар мени нимагадир даъват этаётгандек, “Ўз-ўзингга, ўтган умрингга ҳисоб бер” деяётгандек бўлишарди. Шундай кезлари ажойиб инсонлар ҳақида ўйлаб кетаман. Шундай улуғ кишилардан бири устозларимиз устози Анвар Аъзамхўжаевдир.

Гапнинг рости, биз у кишини китоблари орқали биламиз. Устоз 1956 йилда институтимиздаги маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедрасига асос солиб, уни 1993 йилгача бошқарган эканлар. Мазкур кафедранинг барча ўқитувчилари домланинг шогирдларидир. Ўқиш даврида ўқитувчилардан устознинг фазилатлари, қилган ишлари ҳақида кўп эшитганмиз.

Келинг, яхшиси устознинг умр йўли ҳақида мухтасар сўз юритайлик.

У киши бутун умрини юридик фан ривожи ва малакали юрист мутахассислар тайёрлашга бағишлаганлар. 1964 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Илмий ишининг мавзуси ҳам давлатчилик тараққиёти масаласига бағишланган. 1966 йилдан ТошДУ профессори, 1968 йилдан Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби. У киши олим сифатида давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихи, маъмурий ва давлат ҳуқуқи масалаларига оид 30 дан ортиқ илмий асарлар яратган. Бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи.

Домла айниқса, ўқитувчи, мураббий сифатида шогирдлари қалбида чуқур из қолдиришга улгурган экан. Буни устознинг шогирдлари тез-тез эслаб туришади. Кўзларимни чирт юмаману қўлимдаги китобни столга қўйганча ўйга чўмаман. Сатрлар заминида устознинг нуроний қиёфаси чиқиб келаётгандек, бизга синчков нигоҳи ила разм солиб, нималаргадир даъват этаётгандек туюлади. Қулоқларим тагида қандайдир овоз жаранглагандек, “умрингни беҳуда ўтказма. Ўқи, излан” деган нидо эшитгандек бўлади.

Инсон умрини дарёга менгзашади. Эҳтимол, бу бир жиҳатдан тўғридир. Бироқ, назаримда, баъзи инсонлар умри бундай теран, кенгроқ маънога эга. Хусусан, Анвар Аъзамхўжаев каби ўз умрини илмга, фанга ва шогирдлар тайёрлашдек эзгу ишларга бағишлаган улуғ инсонлар умри боқийдир. Шу нарсага аминмизки, муҳтарам устозимиз бизга инсон сифатида ўрнак, ибрат олса арзийдиган баракали умр кечирди. Ул зотнинг умр йўллари ўз олдимизга қўйган мақсад, муддаомизга эришиш йўлларини кўрсатиб бергандек бўлади. Илоё ҳар биримизга ҳам ана шундай яхши ном қолдириш бахти насиб этсин.

**Э. МАҚСУДОВ,**
**ТДЮИ талабаси**

---

# “СУПЕР” ҚАЛЛОБНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

*Кичик фельетон*



### *Ёки «Шайтон малайлари»нинг янги саргузаштлари*

Шайтон ўз ўғлини ҳийла-найрангни қанчалик ҳадисини олганини билмоқчи бўлиб, уни одамлар орасига юборибди. Шайтонвачча кечқурун оғзи қулоғига етгудай бўлиб қайтиб келибди.

– Бир ароқхўрни гиж-гижлаб, хотинини роса дўппослатдим!

Аҳмоқ! — ўғлининг юзига шапалоқ тортиб юборибди она шайтон, ароқхўр сен гиж-гижламасанг ҳам хотинини дўппослайверади! Сен аввал хушёр одамни йўлдан оздиришни ўрган! Шунда сен қавмимизга муносиб бўласан!

Бу — эскидан қолган нақл. Лекин ҳаётда ана шундай шайтоннинг йўлига кириб, нопок ишга қўл урганлар учрайди.

Мана масалан, андижонлик Анвар Кўчқоровни олайлик. У Андижон шаҳрида хусусий фирма ташкил этиб, туппа-тузук ишлаб юрганди, даромади ҳам чакки эмасди. Кунлардан бир кун ҳалиги онасидан тарсаки еган шайтонвачча ўрта ёшлардаги басавлат киши қиёфасида пайдо бўлди-да, Анварни бир четга имлади:

– Бебилиска пулга иштаҳа қалай?

Текин пулга азалдан суяксиз бўлган Анвар бундан олдин ҳам бир қаллобликка қўл уриб, нақд 25 минг сўмлик бўлган эди. Текин томоққа мазахўрак бўлиб қолганди. Аниқроқ айтганда, Жалолқудуқ туманидаги “Бунёд-М” ҳиссадорлик жамиятида ишловчи Рустам Ҳожиматовга ўз корхонаси — “Садри жаҳон” савдо фирмасининг муҳри билан директорнинг имзоси қўйилган фирма қоғозини бериб, мўмайгина пулга шерик бўлганди.

– Ҳазиллашаётганингиз йўқми, ака? – ялтоқланиб сўради Анвар бебилиска пул ваъда қилаётган кишидан.

– Пулниям ўғил боласи, ука. Доллар! Пулни пулга чақасиз: фойда тўкилади. Беш фоизи сизники!

– Долларни долларга чақиш...

– Шу ақл билан тадбиркорман, деб юрибсизми? Суф сизга-е! Мен сизга қалбаки доллар бераман. Сиз уни бирон бир тайинли мижозга пуллайсиз. Яъни унга қалбаки минг долларни бериб, ундан беш юз ҳақиқий долларни оласиз. Кейин у сўмни долларга айлантириб олмоқчи бўлганларга алмаштираверади.

– Хўп ана алмаштирдик ҳам, дейлик. У ёғи нима бўлади?

– Э, ука, аввало доллар рангли принтер дастгоҳида ясалган, анча-мунчаси ажрата олмайди. Қолаверса, бировнинг уйи куйгани билан сизнинг неча пуллик ишингиз бор! Оладиган фойда пулингизни ўйласангиз-чи!

– Хўп, ака, розиман.

– Сиз бугундан бошлаб мижоз қидиришга киришинг. Кейин менга хабар қиларсиз. Ёзёвонда истиқомат қиламан. Шуҳрат десангиз, уйимни ҳамма кўрсатиб беради.

Анвар Кўчқоров мўмай даромад ҳидидан симобдай эриб, бу ҳақида ошнаси Жўравой Солиевга айтди. Жўравой ҳам бунақа ишларга суяксиз чиқиб қолди. Офтобни сояга етказмай, мижозларни (икки таниш аёлни) топиб келди. Шуҳрат ҳам осонгина топилақолди. Кўп ўтмай Шуҳратдаги қалбаки доллар Анварнинг қўлига ўтди. Улар валюта операциясини охирига етказиш учун Андижон шаҳар Истиқлол кўча 9-уйда жойлашган -“Садри жаҳон” савдо фирмасига келдилар. Хонада сохта ва ҳақиқий доллар лар чўнтакдан-чўнтакка ўтди.

Лекин ҳаромдан келган текин даромад тамоқдан нари ўтмади: шу ернинг ўзида жиноят фош этилди. Шуҳратдан бошқаси ҳамма жиноий шериклар қўлга олинди.

Шундан кейин шайтонвачча яна онаси олдига келди:

– Андижон шаҳар, Найман кўчаси, 76-уйда яшовчи, 4 боланинг отаси, башанг кийинган, туппа-тузук кичик корхонанинг директори Анвар Қўчқоров деган кишини шериклари Жўравой Солиев ва Рустам Ҳожиматовларга қўшиб, қулоғигача жиноят ботқоғига botирдим, суд қора курсисига ўтказиб, ундан панжарали хонага қаматтирдим, онажон. Қарасам, мўмай пулга муккадан кетган, ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормайдиган, ҳар қандай жиноятнинг кетидан жазо қувлаб юришини ўйлаб кўрмайдиган кимсаларга ўхшашди. Болаларини ўша ҳаром пул эвазига боқаётган бўлишса, улар келажакда қандай одам бўлиб етишади, Худо билади. Хуллас, қалбаки долларфурушларни адапчўпини қўлларига тутқазиб келяпман. Қалай, буёғи сиз айтгандай бўптими?!

Шайтонваччанинг бу гапида жон бор: Анвар Кўчқоров суд залида ўтириб қаттиқ лаб тишлар, ўз бошига ўзи мушларди:

– Мени шайтон йўлдан урди-ёв!

Шу ўринда ўринли савол туғилади? Одамлар нега бунчалик бепарволик ва лоқайдликка берилмаса? Қабиҳ жиноятларга бошлайдиган бепарволик ва ҳуқуқий саводсизлик эмасмикин?! Барча жирканчликлару, иллатларнинг боши ҳам лоқайдликлар оқибатида юзага келмаяптими? Огоҳликлик, хушёрликка, ҳуқуқий саводхонлик борасида қанчалик кўп тарғибот-ташвиқот олиб бормайлик, барибир кўпчилик қаллобларнинг домига тушиб қолишяпти!

Яна бир фикр: кўпчилик уйидаги мол-қўйи, кўзга кўринган каттароқ буюмларини сотиб, маблағини долларга айлантириб қўяди. Чунки, доллар тез-тез ошиб туришидан катта манфаат кўришни кўзлашади. Кўп ҳолларда юқоридагидек чув тушиб қолишганда эса ёрдам беришимизни сўраб келишади. Агар биз юқорида тилга олган қаллоблик билан топилган 14000 сохта долларлар содда одамлар қўлига 100 доллардан ўтиб кетганда ҳам 140 нафар фуқаро жабрланган бўларди.

Ўзаро суҳбатларда, йиғилишларда ҳақ-ҳуқуқ ҳақида, қонун устиворлиги тўғрисида кўп таъкидлаяпмиз. Эндиликда қонунни билиш, ўз ҳуқуқини англаш ҳаётий заруриятга айланаяпти. Юриши ҳам, туриши ҳам қонун доирасида бўлганларнинг иши кундан-кунга ривожланаверади. Лекин, қонунни, ҳақ-ҳуқуқини билмаганлар эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек охири бир кун “вой” бўлиши турган гап.

Токи, Анвар Кўчқоровдек кейин пушаймон қилишнинг фойдаси йўқ. Сўнгги пушаймон эса..

**Саида АҲМАДЖОНОВА,**
**Андижон вилояти**

---

*Жиноят ва жазо*

# КЎРШАПАЛАКЛАР

Деҳқонобод тумани Боғчарбоғ қишлоғида яшовчи Комил Норқуловнинг оиласида уч нафар вояга етмаган фарзандлари бўлса ҳам, унинг тайинли иш жойи йўқ эди. Гоҳи-гоҳида ўзи яшаётган ва қўшни тоғ қишлоқ хонадонларида енгил-елпи бузилган теливизорларни созлаб, бир-икки сўм чойчақа топган бўларди. Шундай кунларнинг бирида Боғчибор бекатида ўзининг узоқ қариндоши бўлмиш Хўжадияк қишлоғида истиқомат қилувчи Абдухалил Сафаровни учратиб қолди. Танишлар қуюқ сўрашдилар. Салом-аликдан сўнг:

— Абдухалил чекишдан олгин? — деди Комил.

— Сигарет йўқ-ку, пул берай, бекатдаги тижорат дўконидан олиб келинг, машина келгунча чекиб турамиз, — дея белбоғини ечиб, бир даста пул ичидан керагича ажратиб унга узатди Абдухалил.

Белбоғ ичидаги даста-даста пулларни кўрган Комилнинг кўзлари ўйнаб кетди. “Эҳ, қани энди шу пуллар меники бўлса, ўзи ҳам 300 минг сўмга яқин чиқадиёв”, ўйлади у қариндоши берган пулга сигарет олиб келар экан.

— Э, жўра жуда бақувват экансиз? — қармоқ ташлади Комил чекишиб турганларида.

— Нимасини сўрайсиз. Янги иморат қурганман. Шунга шифр олиш нияти билан 150 минг сўм олиб чиққандим. Ишим битмади, — соддалик билан жавоб қилди Абдухалил...

Улар ажралишди. Комил Норқулов қишлоғига етиб келганда ҳам унинг хаёли ҳозиргина таниши белида кўрган пулларни қандай йўл билан қўлга киритиш билан банд эди. Туни билан мижжа қоқмай чиқди. Айтадилар-ку: “осилган ўғри олмагунча қўймас”, деб. Эртаси ҳам кун бўйи белбоғдаги пулга “ошиқ” бўлганича режа тузди.

Аммо бир ўзини юраги бетламади. Ўзига шерик излаб ҳамқишлоғи, 61-сонли мактабда рус тили фанидан ўқитувчи бўлиб ишлаётган Абдушукур Абдуллаевни излаб унинг хонадонига борди. Комил ўз танишининг қарзга ботганидан хабардор, унга ҳам пул сув ва ҳаводек кераклигини билиб, мўлжални тўғри олган экан. Ҳар иккала қора ниятли ҳамқишлоқлар режани пухталаштирдилар.

— Мен унинг бўйнига милтиқни тирайман. Сен пулни чиқариб бериш ҳақида буйруқ берасан, — деди Комил.

— Нега энди? — талмовсиради Абдушукур.

— Э, қизиқ экансан-ку, Абдухалил менинг овозимни таниб қолиши ҳеч гап эмас. Мен милтиқни бўйнига тираб, чироқни унинг юзига тутаман. Ўшанда сен...

Қоронғу тушгунча ўзаро режалаштирилган босқинчилик ҳаракати, тоғларга оқшом чўккач давом эттирилди. Улар ов милтиғи билан қуролланиб, қоронғу тунда кўршапалакдек унсиз “қанот” қоқиб, Хўжадияк қишлоғига етиб келганларида тун яримлаб қолган эди.

Одатда тоғ қишлоғи хонадонлари атрофи тошдан наридан-бери терилган деворлар, пастқам дарвозалар ҳимоясида бўлади. Қора ниятли тунги шарпалар Абдухалил ётган хонага бемалол киришади. Келишилган режага асосан Комил юзига ниқоб кийиб, қўлидаги милтиқни Абдухалилининг бўйнига тиради. Қўл чироғининг ўткир нурларидан ва бўйнига тиралган совуқ милтиқ милининг зарбидан уйғониб кетган Абдухалил жон талвасасида милтиқни осмонга кўтариб юборди. Тўс-тўполон хонадаги оила аъзоларини ҳам уйқудан уйғотди. Электр чироғи ёқилганда ҳам Абдухалил милтиқ нилини қўйиб юбормади. Ўшанда Комил унинг юзига бир мушт тушириб,. милтиқ ва ўқлар солинган қопчиқни ташлаганча, ўзини зулматга урди. Қабиҳ ниятли ҳамқишлоқлар ўз хонадонларига етиб келишганида тоғ осмонининг бир чети оқара бошлаган эди.

— Сен бу воқеадан бехабарсан, тушундингми, мен бир ўзим эдим деб бўйнимга оламан, — уқтирди Комил Норқулов.

— Шундай қилсак яхши бўларди, — дея қўшилди Абдушукур.

Ёмон билан йўлдош бўлма, нодон билан сирдош дейишади. Олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида барча сирлар фош этилди. Комил Норқулов суд ҳукми билан 18 йилга, унинг шериги Абдушукур Абдуллаев 12 йилга қаттиқ тартибдаги калонияда жазо муддатини ўташга маҳкум этилди. Жиноятчилар жазодан қочиб қутулолмадилар.

**Собир ЁДИКОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

---



*Кўзларим йўлингда...*

---

# КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

*Суд кетяпти:*
*Жабрланувчи:*
*— Ҳар куни эрталаб югураман. Ўша куни югуриб кетаётсам бошимга жавонча келиб тушди.*
*Айбланувчи:*
*— Уйга келсам хотиним эшикни ҳадеганда очавермади. Шошиб уйга кирдим. Ойна очиқ. Пастда бир одам қочиб кетяпти. Енимда турган жавончани олиб отдим.*
*Гувоҳ:*
*— Жавончада ўтирган эдим. Бирдан...*

***

*Банкка бостириб кирган талончилар бирин-кетин кассирларни тунай бошлади.*
*Биринчи дарчадаги одамдан:*
*— Нега анқайиб турибсан, пулларни чиқар.*
*Пулларни олиб кассирни отиб ташлади. Иккинчи ойнада ўтирган аёлга қараб:*
*— Ҳой кампиршо, пулни чиқар.*
*Кампир пулни чиқарибди. Ундан:*
*— Исминг нима? — деб сўради.*
*— Тамара хола.*
*— Ие, менинг онамнинг ҳам исми Тамара хола. Майли мен сени ўлдирмайман, — деди.*
*Учинчи кассани дарчасига келиб:*
*— Қани пулни узатчи. Сени отинг нима?*
*— М..менинг отим Боря, маҳаллада Тамара хола деб чақиришади...*

---

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2643. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: **О. ТЎРАҚУЛОВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **Л. КУЛИШОВА**
Компьютер оператори: **З.БОЙМИРЗАЕВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65**

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.